

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ



**“ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ФУРҚАТ ҲАЁТИ ВА
ИЖОДИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ”**

мавзусидаги

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ**

2020 йил 25 декабрь

ТОШКЕНТ – 2020

Ушбу тўпламда Тошкент архитектура – қурилиш институтида ўтказилган “З.Х.Фурқат ҳаёти ва ижодининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти” мавзусидаги адабиётшунос ва тилшунос олимлар, шунингдек, шу соҳага қизиқувчи номутахассис илм-фан фидойилари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистр ва иқтидорли талабаларнинг республика илмий-амалий анжумани материаллари ўрин олган.

Тўплам материалларида халқчил адабиётнинг етук намоёндаси, хассос лирик шоир, зуллисонан ижодкор, ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг маърифатпарвар куйчиси, биринчи ўзбек журналисти, таржимон Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг ҳаёт ва фаолияти, унинг адабий, илмий меросининг бадиий-эстетик хусусиятлари, З.Х.Фурқатнинг таълим босқичларида ўрганилиши, адиб ижодиётининг тадқиқи масалалари илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган, таҳлил қилинган ҳамда филологик фанларни ўқитишда инновацион ёндашувга бағишланган мақолалар ҳам ўрин олган.

Мухаррир:

Жамила Холмурадова

Тўловчи:

Рисолат Турдибекова

Таҳрир ҳайъати:

Зафар Абдувалиев - Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор.

Равшан Нурибетов - Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, иқтисод фанлари доктори, профессор

Абдулла Мирисаев – Ўқув ишлари бўйича проректор, т.ф.н.доцент

Муборак Маҳкамova – “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Жамила Холмурадова – “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси проф.в.б., филология фанлари номзоди

Мазкур тўплам Тошкент архитектура – қурилиш институти Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

	СЎЗБОШИ	3
1.	Р.Р.Ҳақимов. ТАҚИ - ЮКСАЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФУРҚАТ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.	5
2.	З.М.Абдувалиев. ТАҚИ - ФИГОНКИМ ГАРДИШИ ДАВРОН...	17
3.	Р.И.Нуримбетов. ТАҚИ - З.Х.ФУРҚАТ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ.	22
4.	Э.У.Қосимов. ТАҚИ-ФУРҚАТ ҲОЯЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ.	25
5.	О. Я. Каримов. НамДУ- ЗОКИРЖОН ФУРҚАТ ИЖОДИ ПРОФЕССОР НУРБОЙ ЖАББОРОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА.	29
6.	Л.А.Халмаматова, А.А.Турсунбоев. ТАҚИ - ФУРҚАТ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ.	36
7.	М.Ю.Махкамова, А.Рамзиддин. ТАҚИ - ФУРҚАТ ИЖОДИНИ “МУЛОҚОТ” ТРЕНИНГГИ АСОСИДА ЎРГАНИШ.	44
8.	Н.А.Арипова, Б.Каршибаев. ТАСИ - ЗАКИРДЖАН ХАЛМУҲАММЕД “ФУРҚАТ” – УЗБЕКСКИЙ ПОЭТ И ПУБЛИЦИСТ.	47
9.	З.У.Саидова, С.К.Аҳадуллаева. ТАҚИ - ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ФУРҚАТ ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ.	51
10.	М.О.Матмуратова Хорезмская обл, Хазараспский р-н - ФУРҚАТ О РОЛИ ИЗУЧЕНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА ОБРАЗОВАНИИ.	57
11.	К.Д.Алимова. ТДСИ - ФУРҚАТ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ.	59
12.	Р.Ш.Турдибекова, Г.О. Неъматжанова. ТАСИ - ЗАКИРДЖАН ФУРҚАТ. ВЛИЯНИЕ ПРЕДКОВ НА ПОКОЛЕНИЕ.	65
13.	Н.Б.Пўлатова, А.И.Муртазаев. ТАҚИ - ФУРҚАТ ШЕЪРЛАРИДА ОНА ЮРТ ТАБИАТИ ВА ЧИН ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ ТАРАННУМ ЭТИЛИШИ.	69
14.	Ш.Б.Бабаева, А.Б. Узакова, З.И. Рохатова, С.Р.Мирова. БухГУ - ВОСПЕВАЮЩИЙ В СВОИХ ГАЗЕЛЯХ МУЖЕСТВО И НЕПОВТОРИМОСТЬ УЗБЕКСКОГО НАРОДА.	76
15.	Б.Х.Абдулхайров, Ў.Б.Авазбекова, ТАҚИ - ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ФУРҚАТ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ.	79
16.	Д.Х. Кучкарова, М.С.Сайфиева. ТАҚИ - ФУРҚАТ ИЖОДИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ.	86
17.	О.Х.Барзиев, ФарДУ- ШЕЪРИЯТДА УЧ РАҚАМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ВОҚЕЛИКЛАР ТАЛҚИНИ.	89
18.	Л.А.Халмаматова, ТАСИ - ЛИТЕРАТУРНО-ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ФУРКАТА.	97

19.	Р.И. Алимджанов, Р.А. Икромжонов. ТАҚИ, СамДАҚИ - ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ФУРҚАТНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ.	102
20.	М.М.Тулиева. Хорезмская обль, Шаватский р-н дир. шк. № 49 ЗАКИРДЖАН ХОЛМУҲАММАД ФУРКАТ	107
21.	Т.Р.Матёкубова, ТошДУТАУ- ФУРҚАТ ВА ҒАФУР ҒУЛОМ.	110
22.	Н.С.Алимова, Н.Б.Қурбонова, Н.Арсланова, ТАҚИ - ФУРҚАТНИНГ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ.	114
23.	О.Каримов, G.Мамажонова, NamDU - “SAYDING QO’YABER, SAYYOD“ –ERK VA HURRIYAT QO’SHIG’I.	119
24.	N.D.Madrahimov. TASI - ZOKIRJON KHOLMUHAMMAD OGLI FURKAT, HIS LIFE AND CREATIONS	124
25.	R.R.Ochilova. Xorazm viloyati, Bog’ot tumani - FURQAT IJODIY MEROSIDA VATAN VA UNING SOG’INCHI AKSI.	125
26.	N. Fathullayeva, TAQI akademik litseyi - AKADEMIK LITSEYDA ZOKIRJON XOLMUHAMMAD O’G’LI FURQAT HAYOTI VA IJODINI O’RGANISH.	129
27.	R.SH.Turdibekova, G.O. Nematzhanova, TASI-ZAKIRJON FURKAT. THE INFLUENCE OF ANCESTORS ON THE GENERATION.	140
28.	N. A. Inagamova,N.D.Madrahimov, TAQI - ZOKIRJON XOLMUHAMMAD O’G’LI FURQATNINGHAYOTI VA IJODI, MA’NAVIY MEROSI.	145
29.	R.Sh.Turdibekova, G.O.Ne'matjonova, TAQI - ZOKIRJON FURQAT. AJDODLARNING AVLODLARGA TA’SIRI	150
30.	Z.K.Saidjanova, I.M.Asatjonova, UrDU - FURQAT MEROSI – ADABIY MANBA SIFATIDA.	154
31.	R.Sh.Turdibekova, M.I.Karimov, TAQI - FURQAT HAYOTI VA IJODI.	157
32.	Z.O. Kamolova - Xiva shahar 17- ixtisoslashtirilgan maktab - ADABIY TA’LIMDA FURQAT HAYOTI VA IJODINING O’RGANILISHI.	161
33.	O. Normurodov, GulDU - FURQAT G’AZALLARIDA ITTIFOQ BADIY SAN’ATI.	166
34.	B. Qo'chqorov, S.X.Islomova, NamDU - FURQAT – LIRIK SHOIR.	171
35.	B.Qo'chqorov,M.V.Hayitmirzayeva, NamDU - FURQAT IJODIY MEROSINING YOSHLAR MA’NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI.	179
36.	A.Fayzullayev, TDSHU- FURQAT LIRIKASIDA ISHQ MAVZUSI	184
37.	G.A. Bekmamadova R.SH. Xabibullayeva, Sh.B.Norova, TAQI - FURQAT IJODINING BADIY XUSUSIYATLARI SHOIR SAN’ATKORLIGIDA.	190
38.	M. Sh. Islamova, TVChDPI - ZOKIRJON XOLMUHAMMAD O’G’LI FURQATNING HAYOTI, FAOLIYATI VA IJODIY MEROSI HAQIDA.	198

ФУРҚАТ ВА ҒАФУР ҒУЛОМ

Матёқубова Тозагул Ражаповна,

Алишер Навоий номидаги Тошкент ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек адабиёти тархи ва фольклор кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Ҳар қандай талант эгасининг камол топишида ўзидан олдин ўтган салафлари ижоди, улар қолдирган адабий ёдгорликлар муҳим ўрин тутади. Салафлар ижодий тажрибаларини ўрганиш, анъаналарини давом эттириш санъаткорга ўз даври адабиёти тараққиётига таъсир кўрсатиш имконини беради. Ғафур Ғуломнинг машҳур шоир, моҳир носир, етук таржимон ва академик даражасига етишишида ҳам албатта салафлар ижоди муҳим ўрин тутган. У нафақат ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини, балки Шарқ адабиёти ёдгорликларини кунт билан ўрганган, улардан маънавий озуқа олган. Шоир ёшлигидан то умрининг охиригача Шарқнинг машҳур мутафаккирлари ижодини пухта ўқиб-ўрганиб, анъаналарини ўзлаштирган ва янада ривожлантирган.

Адабиётшунос С. Мамажонов Ғафур Ғуломнинг Шарқ классикларига муносабати ҳақида тўхталиб, бу жараёни тубандагича изоҳлайди: “...улар асарларини бевосита ўқиб-ўрганди (а), улар тўғрисида илмий-текиштириш ишларини олиб борди ва мақолалар ёзди, докладлар қилди (б), улар асарларини наирга тайёрлади (в) ва таржима қилди (г) ¹.”

Ғафур Ғулом Шарқ адабиёти намояндalари ижодларини севиб ўрганган, улардан ижодий таъсирланган ва ўзини бу адабий анъаналарнинг вориси деб билган. У форс-тожик адабиётининг Абу Абдулло Рудакий, Шайх Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода сингари вакиллари асарларидан кўплаб намуналарни тилимизга маҳорат билан таржима қилган.

Ғафур Ғулом ўзининг кўплаб шеърларида Шарқнинг етук намояндalари номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади, уларнинг юксак маҳорат

¹ Мамажонов С. Услуг жилолари. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. 155-158 б.

эгаси эканликларини, ижодлари ўзи учун катта тажриба мактаби бўлганлигини таъкидлайди. Адабиётшунос А. Ҳайитметовнинг қуйидаги фикрлари бу жиҳатан ўта характерлидир: *“Ғафур Ғулом ўзбек адабиётини, хусусан, унинг мумтоз қисмини умумий катта Шарқ адабиётининг бир бўлаги деб қарар, ўзбек адабиёти тарихини шу тарзда ўрганиш тарафдори эди”*².

Унинг шеъриятида кўплаб Шарқ шоирлари номлари бадиий ифодага айланиб, инсон руҳиятини тасвирлашга йўналтирилган. Масалан: шоир *“Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим”* шеърида шундай дейди:

*Шеър ўқийлик Лутфийдан, Навоийдан,
Бедил, Фурқат, Пушкин ила Жомийдан,
Кейин қолмай замона айёмидан,
Дил ёрисин мисралар илҳомидан,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!*

Мисраларда шоирнинг устоз ижодкорларга муҳаббати поэтик идрок этилган. Бунда Лутфий, Навоий, Бедил, Фурқат, Пушкин, Жомий номига ишора қилиш орқали талмеҳ санъати яратилган. Шоир мазкур улуғ ижодкорлар шеърлари инсон дилини ёритувчи, унга маънавий озик берувчи куч эканлигига урғу берган. Сатрлар моҳиятига шеърият барча даврларда инсонларни руҳий-маънавий жиҳатдан бир-бирларига яқинлаштиришга хизмат қилувчи восита эканлиги моҳирона сингдирилган.

Шоир шериятида муайян бир бадиий мақсад билан кўплаб ижодкорлар шеърларидан намуналар келтирилади. *“Улуғ ҳинд халқига”* шеърида Фурқатнинг *“Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашимирда”* деб бошланувчи ғазалига ишора қилиб, ҳинд халқини улуғлайди.

Ғафур Ғулом Шарқ мумтоз шоирларининг айрим байт ва мисраларини шеърларида келтириш орқали илгари сурилаётган фикрни асослашга ва ўқувчида самимий туйғу ҳосил қилишга ҳаракат қилган. Бундай ўринларда шоир машҳур байт ёки мисраларга ўзгача мазмун юклаб, уларни ўз даври ва

² Ҳайитметов А. Мумтоз адабиётимиз билимдони // Адабий меросимиз уфқлари. -Т.: «Ўқитувчи», 1997. 56 б.

замонасига мос тарзда истифода этадики, бу унинг маҳорати юксак санъаткорлигидан далолат беради.

Маълумки, Ғафур Ғулом Шарқ адабиётини чуқур ўқиб-ўрганган, жиддий илмий изланишлар ҳам олиб борган ижодкордир. Унинг адабиётшунослик илми соҳасидаги ютуқлари муносиб баҳоланиб, академик даражасига етишиши бежиз эмас. Шоирнинг адабий-танқидий қарашлари асосини халқ оғзаки ижоди, замонавий адабиёт муаммолари билан бир қаторда Шарқ адабиёти масалалари ҳам ташкил этади. У ўзининг маъруза, мақола ва нутқларида Шарқ адабиётининг долзарб муаммоларига у ёки бу даражада муносабат билдириб ўтади. У “*Фузулий айтадики*”, “*Тарихий муносабатлар*”, “*Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий*”, “*Озарбайжон халқининг буюк шоири*”, “*Навоий ва замонамиз*”, “*Муқимий*”, “*Муқимий мактублари*”, “*Саидахмад уста Саидазим ўғли Васлий*”, “*Демократ шоир*”, “*Атоий эмас Отойи*”, «*Буюк устоз*», “*Икки Машираб*”, «*Шоир айблайди*», «*Фурқат рус аскарларининг қудрати тўғрисида*» ва бошқа қатор мақолаларида Шарқ шоирлари ижодига муайян муносабат билдирилган.

Ғафур Ғулом империалистик урушнинг ҳар қандай кўринишини қаттиқ танқид қилган жасоратли, қатъиятли тадқиқотчилардан бўлган. Муаллиф Муқимий балоғатга етган даврга муносабат билдириб, 1938 йилдаёқ ўтмиш тарихий воқеалари ҳақида шундай ёзади: «...Рус империализми Туркистонни босиб олди... Ўзбек меҳнаткаш деҳқони ва косибининг бошига феодализм зулмати билан биргаликда рус империализмининг мустамлакачилик қамчилари ҳам ёғила бошлади. Меҳнаткаш халқ уч ёқлама зулм остида қолди. Мамлакатда ишсизлик, батраклик, дарбадарлик, очлик, ялангочлик ҳукмрон бўлди». Бу масалани тўлароқ изоҳлаш учун Ғафур Ғуломнинг Фурқат ҳақидаги «*Шоир айблайди*», «*Фурқат рус аскарларининг қудрати тўғрисида*» (1949) номли мақолаларидан ҳам айрим иқтибосларни кузатиб ўтишга тўғри келади. Ақл ҳукми, идрок ва фикр тийранлигига даъват этган Ғафур Ғулом Фурқатнинг «*Бу сўзнинг рамзини доно билур, бас*» деган мисрасига урғу бериб,

Ҳиндистондаги англиз мустамлакачилиги ҳақида: «...бу уларнинг тажовузкор ота-боболаридан қолган расмдир», - деб ёзади.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1949 йил 18 октябр сонисида Ғафур Ғуломнинг «Нафасдек табиий рост сўз» номли мақоласи эълон қилинади. Мақоланинг баъзи ўринларига адабиётшунос В. Мирзаев ўз мулоҳазасини билдиради. Унга Ғафур Ғулом мактуб ёзиб, адабиётшунос мулоҳазаларига асосли жавоблар беради. Ғафур Ғулом ва В. Мирзаевлар эътибор қаратишган масалалардан бири Фурқатнинг Ёрқентдан Марғилон шаҳрида турувчи Тошболтуга ёзган мактубидан келтирилган байтнинг турлича шарҳида кузатилади. Ғафур Ғуломнинг газетадаги мақоласида Фурқатнинг куйидаги байти келтирилади:

*Муқимий, Нисбатий ўлди, демишсан, ўлса ўлгандир,
Замона холи қолмас бир нафас ақли расолардин.*

Ғафур Ғулом мактубда В.Мирзаевнинг Фурқат Муқимий ўлимига бепарво ва лоқайд қаради, «шукрки ўлди», дегандай шу байтларни ёзди, дея байтни изоҳлашини инкор этади. «Тасалли» - кишидаги энг олижаноб фазилатлардан бири эканини тўғри англаган шоир В. Мирзаевга уни «шукр» билан алмаштирмасликни маслаҳат беради. Фурқатнинг Муқимийга нисбатан ҳеч қандай ғарази йўқлигини таъкидлаб, иккинчи мисрада шоирнинг эзгу умиди ўз ифодасини топганини баён этади. Унда Муқимий вафоти билан адабиёт ўлмайди, халқ даҳоси нозиктаъб шоирлар, ақли расо кишиларни етиштириб чиқаради, деган ғоя илгари сурилгани ҳаётий мисоллар воситасида исботлаб берилади.

Умуман, Ғафур Ғулом адабиётдаги оптимистик руҳни чуқур англагани ҳолда ҳаётга, келажакка умид билан қараш Фурқатнинг бош мақсади бўлганини тўғри изоҳлай олади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1983

2.Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.2,3 – Тошкент: Фан, 1984

- 3.Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.11. – Тошкент: Фан, 1989
- 4.Ғафур Ғулом . Мукаммал асарлар тўплами. 12-томлик. Т.12. – Тошкент: Фан, 1990
- 5.Мамажонов С.Услуб жилolari. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
- 6.Матёкубова Т. Ғафур Ғулом бадиияти. – Т.: Фан ва технология, 2006
- 7.Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Т.: Фан, 2004
- 8.Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

ФУРҚАТНИНГ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ

Н.С.Алимова

«Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси
катта ўқитувчиси

Н.Б.Қурбонова

Архитектура факультети Ёшлар билан
ишлаш бўйича декан муовини

Н.Арсланова

Архитектура факультети талабаси

Фуркат Янги Марғилонда ижодкор сифатида тўла шаклланди, ўз ғазалларига «Фуркат» тахаллусини қўйиб, шуҳрат қозона бошлади. Бу ерда ўтказилган йиллар Фуркатнинг халқчил дунёқараши, илғор адабий эстетик тушунчаларининг шаклланишида ҳам муҳим бир босқич бўлди.

80 йилларнинг бошларида Фуркат Қўқонга қайтиб, оила куради ва асосан, ижодий иш билан шуғулланади. Муқимий ва Муҳаййир етакчи бўлган Завқий, Нодим, Нисбат, Муҳаййир каби ижодкорлар гуруҳи билан бевосита мулоқотда бўлади, улар уюштириб турадиган адабий мажлислар, шеърят кечаларининг фаол иштирокчисига айланади.

Фуркатнинг Қўқондаги бу давр ижоди тур ва мавзу, мазмун ва шакл ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам, сермахсуллиги жиҳатидан ҳам диққатга сазовор. У мумтоз шеърят анъаналари руҳида кўплаб ишқий ғазаллар, мухаммаслар яратган. Алишер Навоий асарларига гўзал назира ва тахмислар боғлаган, унинг шеърларида ижтимоий руҳ ва замонавийлик тобора кенг ўрин эгаллай бошлаган (масалан «Бўлди» радифли мухаммаси ва бошка шеърларида). Фуркат халқнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги ва иқтисодий ночор

